


OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI VA TAKOMILIDA
ABDULHAMID CHO'LPON IJODINING O'RNI

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA

2022-yil 15-mart



*Uzoq yo'lning yo'lchisiman, boraman,
Istagimni bu yo'llardan olaman!..*

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI ANDIJON DAVLAT
UNIVERSITETI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“YANGI O'ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI
VA TAKOMILIDA ABDULHAMID CHO'L PON
IJODINING O'RNI”

XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA

(2022-yil 15-mart)

MATERIALLARI

ANDIJON – 2022

УЎК: 821.512.133-4.

КБК: 83. (Ў)

Tahrir hay'ati:

A.S.Yuldashev, R.Shamsutdinov, B.Rahmonov, Z.Mamajonov,
D.Abdullayeva, S.Islomova, I.Madg'oziyev

Mas'ul muharrir:

Dilmurod QURONOV

Filologiya fanlari doktori, professor

Taqrizchilar:

Nurboy JABBOROV, f.f.d. prof.

Bahodir KARIMOV, f.f.d. prof.

Ushbu konferensiya bajarilishi 2021–2022 yillarga mo'ljallangan A-OT-2021-57 raqamli "Cho'lpon hayoti va ijodiy merosi manbalarining elektron platformasi va mobil ilovasini yaratish" mavzusidagi amaliy loyihasi doirasida o'tkazilgan.

фарқланувчи алоҳида ўзига хосликни кузатамиз, яъни ҳар икки асарида воқеа аниқлиги руҳий тасвир билан алмашади, ўша воқеанинг ўзиёқ китобхонга кучли таъсир этиши мумкин бўлмаслигини тушунган адиб уни кучайтиради, тасвирдаги ҳар бир нарса ва предметга рамзий ишоралар юклайди. Бир сўз билан айтганда, сайёҳ-муаллифнинг кўрган-кечирганлари эмас, муаллиф калбидан кечган жараёнлар, тугёнлар аввалги планга ўтади, рамзийлик асарнинг моҳиятини ташкил қилади. Натижада китобхон кўз ўнгида саргузашт типидagi саёхатнома эмас, балки “руҳий таҳлилнинг юксак намунаси” бўлган мураккаб сюжетли асар намоён бўлади. Бу Чўлпон ижоди мисолида жаҳид насрининг янгилик сари қадам қўяётганини, янгича ифода усуллари ва таъсир воситалари излаётганидан дарак беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Чўлпон. Асарлар. 2-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1998. – Б. 320-328; 160; 323-324; 327-328.
2. Қуронов Д. “Йўл эсдалиги”да тағмаъно қатламига доир // Шарқ юлдузи. 1998. – №1. – Б.159.
3. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: “Шарқ” НМАК, 2004. – Б.49.

Дилрабо ҚУВВАТОВА

БухДУ профессори, ф.ф.д.

Раҳима ШАРИПОВА

НавДПИ ўқитувчиси

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ШАМОЛ ВА БУЛУТ РАМЗЛАРИ ТАЛҚИНИ

Аннотация: мақола Абдулҳамид Чўлпон шеърларидаги шамол ва булут образларининг рамзий-тимсолий маънолари таҳлилига бағишланган. Бунда шамолнинг лирик қахрамон кайфиятини ифодалаб келиши, булутнинг

табиат манзараси фонида мавжуд тузумга ва воқеликка муносабатни ифодалаши асосланган.

Калит сўзлар: табиат рамзлари, шамол, булут, лирик қаҳрамон, ижтимоийлик, ташхис.

Аннотация: статья посвящена анализу символических значений образов ветра и облаков в стихотворениях Абдулхамида Чулпана. Он основан на том, что ветер выражает настроение лирического героя, облако отношение к существующему строю и действительности на фоне пейзажа.

Ключевые слова: символы природы, ветер, облако, лирический герой, социальность, олицетворение.

Annotation: the article is devoted to the analysis of the symbolic meanings of the images of wind and clouds in the poems of Abdulkhamid Chulpan. It is based on the fact that the wind expresses the mood of the lyrical hero, the cloud expresses the attitude to the existing system and reality against the backdrop of the natural landscape.

Key words: symbols of nature, wind, cloud, lyrical hero, social, personification.

Янги ўзбек шеърлярида ҳам шамол образи турли рамзий маъноларни билдириб келганлиги кузатилади. Бу жиҳатдан Абдулҳамид Чўлпоннинг «Шарқ қизи», «Кўклам қайғуси», «Гўзал», «Баҳор келди», «Кўклам келадир!», «Яна кўклам», «Кўклам ёмғири», «Кўкламдан хабар», «Баҳорни соғиндим...», «Қор», «Уйқу», «Яна қор» «Рақамлик севги» каби шеърлари эътиборни тортади:

Шунда, шаббода – қиз билан бирга,
Қувлашиб ўйнаганда япроқлар,
Шу жувон толдаги қуруқ бир шох,
Қуп-қуруқ гавдасин тутиб елга –
Қайси кўкламни! Билмадим, йўқлар!

Ким ҳасратини англатар?!⁶⁷

Муҳаббат мавзусидаги бу шеърда шамол қизга қиёсланган. Яъни бунда шаббода – қиз билан бирга “қувлашиб ўйнаган япроқлар” ошиқни англатади. Шу жувоннинг “қуруқ бир шох”, “қуп-қуруқ гавда”сини шамолга тутиши эса баҳорга интилган лирик қаҳрамон кайфиятини ифодалаб келади.

Эрта тонг шамоли сочларин ёзиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: «Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тоғу тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!..»⁶⁸

Шоирнинг “Гўзал” шеърдан олинган юқоридаги сатрлар икки хил ҳолат тасвирини кузатиш мумкин: 1. Табиат манзараси. Яъни лирик қаҳрамон – ошиқ ўз суюқлисини эрталаб эсган майин шамолдан сўрайди. 2. Шамол ташхислантирилган. Инсондаги сочининг ёйилиши ҳолати ва шамолнинг эсишида уйғунлик бор.

Ариқда сувларнинг ўйноқи кўшиғи
Шохларда ухлаган баргларни уйғотди.
Айниқса, шамолнинг у юмшоқ шўхлиги
Шохларда баргларни титратди, ўйнатди⁶⁹.

“Барг” шеърдан олинган юқоридаги сатрларда ҳам шамол ташхислантирилган, яъни инсонга хос хусусият – шўхлик табиатга кўчирилган.

Чўлпон ижодида булут образи ҳам турли рамзий маъноларни ифодалаб келганлиги кузатилади. «Кўклам келадир» шеъри ҳам бу жиҳатдан аҳамиятли:

Тиниқ ҳаво... Кўк юзинда оппоқ ҳарир пардадек,

⁶⁷ Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. 1– жилд. Шеърлар, мансуралар, шеърий хатлар. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 191.

⁶⁸ Юқоридаги манба. – Б.31.

⁶⁹ Юқоридаги манба. – Б.155

Оқ булутлар унда-бунда ёйилганлар паришон.
Шуълаларнинг акси билан йилтиллаган игнадек
Кун тиғлари қарашларга ўткир-ўткир санчилган⁷⁰.

Кўклам осмони мусаффо бўлади. Табиатнинг бу манзарасини шоир янада жозибали тасвирлайди. Баҳор осмонида сузиб юрган оқ булутлар оппоқ ҳарир пардага ўхшатишган. Айни чоқда бунда ташхис ҳам бор: булутларнинг ҳар ёнга ёйилиши инсондаги паришонлик ҳолати билан уйғунлик касб этган.

Сенинг қаттиқ сир – бағрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, қарғасанг-да, кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар?
Нима учун ўч булути селларини ёғдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?⁷¹

Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеърдан олинган юқоридаги сатрлар рамзий ифодаларга бой. Жумладан, шоир “ўч булути” истиорасини қўллайди. Лирик қаҳрамон эркисизликка қарши кураша олмайди. Ўч булути селлари эса кураш воситаси. Лирик қаҳрамон – ватанпарвар инсон озодликни қўлга киритиш йўлларини излаб ёзғиради. Шеърда булут шу жиҳатдан ижтимоий мазмун ташиган.

– Ҳаво бузуқ!..
– Кўк юзида қоп-қора
Кўмир каби қатор-қатор булутлар;
Иблисларнинг қўзларидан оп-ола ёнган нима?
– Олтин ўчоқда ўтлар...
Ҳаво бузуқ ... Тўғри, Шарқнинг ҳавоси
Неча йилдир жуда ёмон бузилган;

⁷⁰ Юқоридаги манба. – Б.491.

⁷¹ Юқоридаги манба. – Б.88.

Уни бузган оппоқ кўллар жафоси
Ёзмишига қора чизик чизилган
Кўк юзида қатор-қатор чизилган⁷².

Шоирнинг “Қизил байналмилал” шеърдан олинган юқоридаги сатрларда булут рамзий маъно ташиган. Яъни “кўк юзидаги қоп-қора кўмир” каби “қатор-қатор булутлар” кўчма маънода озодлик ва эрк душманлари образини ифода этади. Рамз бунда ижтимоий мазмун касб этган. Шоир бу билан кифояланмайди: уларни иблисларга тенглаштиради. Қолаверса, эрксевар ижодкор юрт келажагидан ҳам хавотирда: Шарқнинг хавоси кўпдан бузилганлиги ҳам унинг зулм исканжасида бўлганлигини билдириб туради. “Ёзмишига қора чизик чизилган, кўк юзида қатор-қатор чизилган” булутларда юрт қисматини олдиндан кўриш хусусиятини англаш мумкин. Жуда мураккаб даврда яшаб, ижод қилган Чўлпон бундай хавотирларга тушиши табиий эди. Шу билан бирга, шоир мустамлака зулми остида эзилаётган халқининг дардларини бошқа йўсинда айтолмас ҳам эди.

Қора булут тўдаси ким кўкларни –
Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмушдир.
Куз қўшини – оғу тўлуғ ўқларни
Ёз бағрига ҳеч саноқсиз отмишдир!

Куз манзараси акс этган юқоридаги мисралар ҳам ижтимоий мазмун билан суғорилган. “Қора булут тўдаси” кўчма маънода Туркистон озодлигига соя солган кучларни англатади. Ёхуд ёз бағрига отилган “куз қўшини – оғу тўлуғ ўқлар” тасвирида ҳам табиат манзараси фонида мавжуд тузумга ва воқеликка муносабат яширинган.

Кўринадики, Чўлпон шеърлятида шамол ва булут образлари табиат манзарасини ифолашдан ташқари, турли рамзларни, ижтимоий мазмунни ифодалаб келган.

⁷² Юқоридаги манба. – Б.45.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Quvvatova D., Nazarova D. I. The rubai genre in the works of Jamal Kamal //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2020. – №. 9. – С. 346-352.
2. Quvvatova D., Saidahmadovna U. D., Nawaz S. About Friends in the Style of ODE. – 2021.
3. Quvvatova D. JAMAL KAMAL EIGHTH //Конференции. – 2020.
4. Quvvatova D. INTERNAL TYPES OF UZBEK POEMS //Социосфера. – 2016. – №. 2. – С. 46-50.
5. Садуллоевна Р. Қ. Рауф Парфи Ва Эркин Воҳидов Шеърлари Тадқиқига Оид Айрим Кузатишлар //Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали. – 2021. – Т. 1. – №.6. – С. 207-210.
6. Qodirova R. ABDULLA ARIPOV' S WORK DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE IS INTERPRETED BY NUMAN RAKHIMJANOV //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
7. Qodirova, R. (2022). NO`MON RAHIMJONOV - SHE`RSHUNOS OLIM. ILMİY NASHRLAR MARKAZI (buxdu.Uz), 8(8).

MUNDARIJA

XX ASR BOSHLARI TARIXIY-MADANIY SHAROITI VA CHO‘LPON IJODIYOTI

Almaz ÜLVİ BİNNATOVA. Əbdülhəmid Çolpan – cədidçilərin ən böyük şairi.....	4
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ. Чўлпоннинг биринчи терговдаги жавоблари.....	11
Дилором АЛИМОВА. Чўлпон ва давр.....	15
Баходир РАҲМОНОВ. Чўлпон – эрк, истиқлол ва озодлик куйчиси.....	21
Дилдорахон АБДУЛЛАЕВА. Чўлпон мактублари хусусида.....	29
Нормурод АBAЗОВ. Беҳбудий ва Чўлпон.....	37
Ойсулув ЎРОҚОВА. Чўлпон эстетик тафаккурининг хусусиятлари.....	43
Махбуба ЗИЯЕВА. Роль творчества Абдулхамида Сулеймана Чулпана в узбекской литературе.....	47
Сохибахон ИСЛОМОВА . Чўлпоннинг жорий нашрларда эълон қилинмаган шеърлари хусусида.....	50
Искандар МАДҒОЗИЕВ. Чўлпоннинг бир имзоси хусусида.....	57
Mamlakat ISMOILOVA, Shahlo KAMOLOVA. Aesthetical thought of mankind in chulpon’s works.....	64
Adiba ABDURAZZAQOVA. Sulaymonqul bazzoz – Volai Rasvo adabiy merosi хусусида.....	72
Умринисо ТЎРАЕВА. Чўлпон ижодида маърифатпарварлик ғояларининг ифодаланиши.....	76
Sabriddin AHMADOV. Cho’lpon ijodining tarixiy ahamiyati va o’ziga xos xususiyatlari.....	81

CHO‘LPON IJODIY IZLANISHLARI VA YANGI O‘ZBEK

ADABIYOTINING BADIY TAKOMILI

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ. Чўлпоннинг бадий маҳорати (“Гўзал” шеъри мисолида).....	87
Hamza ÖZTÜRKCÜ. Çolpan’ın yarkınay piyesinde kadın.....	95
Нурбой ЖАББОРОВ. Чўлпон шеърлятидаги айрим рамзлар поэтикаси.....	115
Дилмурод ҚУРОНОВ, Донохон НЕЪМАТОВА. “Ойдин кечаларда” ҳикоясининг иккинчи таҳрири ҳақида.....	124
Муқаддас ТОЖИБОЕВА. Чўлпон сафарномаларидаги ўзига хослик.....	132
Дилрабо ҚУВВАТОВА, Раҳима ШАРИПОВА. Чўлпон шеърлятида шамол ва булут рамзлари талқини.....	136
Ғайрат МУРОДОВ. Романчиликда янги бадий тажриба.....	141
Нормат ЮЛДАШЕВ. Чўлпон шеърлятида анъанавий жанрлар ва уларнинг трансформацияси.....	146
Ҳалим КАРИМ. Чўлпон ва болалар адабиёти.....	152
Маърифат РАЖАБОВА. Йил фасллари ва бадий талқин.....	159
Машхура ШЕРАЛИЕВА. Ривояда нутқ субъекти ва нуктаи назар эгаси (Чўлпон ва Э.Аъзам асарлари мисолида).....	164
Азиза АХМЕДОВА. Чўлпон асарларида такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	168
Анжелика ХАЗРАТКУЛОВА. Мастер художественной словесности Абдулхамид Чулпан.....	174
Akromjon XUDOYBERDIYEV. Cho’lpon she’riyatida vatan konseptining badiiy falsafiy talqini.....	178
Бегали МЎМИНОВ. Чўлпон насрида зиёли образи талқини хусусида.....	186
M.QUDRATOVA. Cho’lpon – Navoiy ijodining targ’ibotchisi.....	191
Sabina BERDIYEVA. Cho’lpon hikoyalarida ayol obrazi tasviri.....	194
Orziboni YUSUPOVA. Cho’lpon ijodiy izlanishlarida va poetik individuallikni ta’minlashda sintaktik parallelizmning o’rni.....	198

“YANGI O‘ZBEK ADABIYOTINING SHAKLLANISHI VA TAKOMILIDA ABDULHAMID CHO‘LPON IJODINING O‘RNI”

mavzusidagi A-OT-2021-57 raqamli “Cho`lpon hayoti va ijodiy merosi
manbalarining elektron platformasi va mobil ilovasini yaratish” grant loyihasi

doirasida 2022-yil 15- mart kuni o`tkazilgan

xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya

M A T E R I A L L A R I